Фарҳод МУСАЖОН

# Имон

Ҳикоя



Мўмин ота қуёшга қараб пешин номози яқинлашганини аниқлади. Эрталабдан бери хомток қилаётганди, шотидан тушиб боғ этаги томон йўналди. Сада қайрағочнинг таги доим салқин, тангадек соя тушмасди. Ўша ерга эски шолча билан кўрпача ташлаб ўзига жой қилиб қўйган, бомдод ва хуфтондан ташқари уч вақт номозни шу ерда ўқирди.

Катта корхоналардан бирининг томорқа хўжалиги бўлган бу боғ беш гектарча келарди. Асосан мева дарахтлари — олма, гилос, беҳи ўсарди. Боғнинг ўртасига тушган икки қаватли шинамгина бинонинг гир атрофи ток билан ўралганди. Ана шу ток ва дарахтларнинг парвариши Мўмин отанинг зиммасида эди. У ўз ишини севарди, дарахтларнинг танаси оппоқ қилиб оҳакланган, бирорта синган ёки қуриган навдаси йўқ, доим яшнаб турар, токлар ҳам тараб қўйгандек кўзни қувонтирарди.

Лекин Мўмин ота ювош одам эди, ҳеч қачон зўр боғбонлигини миннат қилмасди, керилмасди, индамай ишини қилиб юраверарди.

Корхона раҳбарлари ойда бир-икки ўз оилалари ёки меҳмонлар билан дам олгани боққа чиқиб турардилар. Ўшаларнинг егулигига боғнинг этагидаги уч-тўрт танобча сайҳон ерга сабзавот экиларди. Егуликдан ортгани хўжайинларнинг уйларига, ундан ҳам ортгани асосий манзил — корхона ошхонасига жўнатиларди. Экинга қараш ҳам Мўмин отага юклатилганди, чунончи қайси экинни қачон экиш, қачон суғориш, қанча гўнг бериш, қачон ҳосилни йиғиш — хуллас, гўёки агрономдек маслаҳат бериб турарди. Меҳнатнинг оғири — экиннинг чопиғи, ўтоғи, суғориш, ҳосилни йиғиштириб олиш — ҳаммаси Тиркаш деган йигитнинг бўйнида эди. Мевалар ғарқ пишган пайтида, териб олишни бир киши эплолмаслиги учун корхонадан ҳашарчилар таклиф этиларди.

Мўмин ота пешин номозини ўқиб бўлгач, ўтириб тамадди қилди. Кейин одати бўйича пича ҳордиқ чиқаргани кўрпачага ёнбошлади.

Қуёш тикка келган, кун гўёки ёнарди. Иссиқ лоҳас қилиб, Мўмин отанинг кўзи илинди. Кўп ўтмай қулоққа ёқмайдиган шовқин тинчини бузди. Бошини кўтариб қараса Тиркаш кетмон, иккита пақир ортилган замбилғалтакни тақира-туқур қилиб боғ этаги томон ғилдиратиб кетаётибди экан, орқасидан қандайдир нотаниш ўспиринни ҳам эргаштириб олган. Мўмин ота кўз қири билан йигитларни кузатиб ётаверди.

Боғ этагидаги экинзорга етиб боришгач, Тиркаш замбилғалтакдан челакларни олиб пайкалга отди. Кейин ўтириб сигарета тутатди. Мўмин ота биларди, бу филтрсиз, энг арзон сигарета, яхшисига Тиркашнинг пули етмасди.

Кўп беозор ва ёқимтой эди Тиркаш, битта гаплашган одам дарров яхши кўриб қоларди уни. Шу қадар сахий, танти йигит эдики,сал нарсага шарақлаб кулаверарди. Бир айби ичкиликка ружу қўйганди, топганини ичарди. Маоши бир кунга етарди, чунки олиши билан қарзларига тарқатарди ва эртасидан бошлаб яна қарз сўрарди. Мўмин ота унинг пулни нимага сарфлашини биларди, гуноҳга ботмасин деб кўпинча бермасди. Тиркаш хафа бўлмасди, кек ҳам сақламасди, икки кундан кейин кўзини мўлтиллатиб яна қарз сўрарди.

— Сенга айтганман-ку жиян, ичкиликка бермайман деб, — ётиғи билан рад қиларди Мўмин ота, — бунақада залолатга ботиб, ўзингни ўзинг нобуд қиласан.

— Ичкиликка эмас, — кўзларини чақчайтириб онт ичарди Тиркаш, кейин юзини аянчли тириштириб зорланарди, — сигарет ёмон хумор қиляпти.

Унинг ёлғон тўқиётганини сезса ҳам раҳмдил Мўмин ота кўнгли бўшлик қиларди.

— Худонинг ўзи сен осий банданинг гуноҳини кечсин, — деб пул берарди.

— Кечади гуноҳимдан, — дерди қувониб кетган Тиркаш, — нимага десангиз, мен бировга ёмонлик қилган инсон эмасман.

Бу тўғри эди, Тиркаш бировга ёмонлик қилмасди, аксинча ҳеч кимдан ёрдамини аямасди, кимнинг қандай юмуши бўлса, дарров қарашиб юборарди.

Пайкал бошида чўққайиб ўтирган Тиркаш иш қилиш ўрнига чекиб ўтирганини боғ директори кўриб қолишидан қўрқиб тез-тез орқасига қараб қўярди. У ўспирин билан нималардир ҳақида ғулдурлашиб ўтирар, шамол кучайган пайтида уларнинг узуқ-юлуқ гаплари, Тиркашнинг кулгуси Мўмин отанинг қулоғига чалиниб қоларди.

Ниҳоят Тиркаш ўрнидан туриб, ишга тушди. Унинг нима қилаётганини, ер чопаяптими, картошканинг тагини юмшатяптими, Мўмин ота англай олмади.

Яна бироз фурсат кузатиб ётди, кейин шошмасдан ўрнидан туриб, йигитлар томон йўл олди. Борса Тиркаш картошка кавлаяпти, ўспирин териб челакка солаяпти экан.

— Нима қилаяпсан, Тиркаш? — сал аччиғланиб сўради чол.

— Картошка кавлаяпман, —Тиркаш тиржайиб қаддини ростлади.

— Кавлашга ҳали камида ярим ой бор, кўрмаяпсанми ёнғоқдек-ёнғоқдек-ку ҳали.

— Отахон, мен кичкина одамман, директор айтгани учун кавлаяпман.

— Биласан, ҳосилнинг жавобгарлиги менинг бўйнимда. Айтмадингми, кавлашдан олдин Мўмин отанинг олдиларидан ўтайлик деб.

— Айтдим, — Тиркаш директорнинг гапини чолга етказишга ийманиб бирпас иккиланиб турди, аммо жавоб қайтармасликнинг иложи йўқ эди. — Сен алкаш мен айтганни қилавер, Мўмин ота билан ўзим гаплашаман, деди. Аслида директор «Мўмин ота билан ишинг бўлмасин», деганди, Тиркаш сал юмшатиб айтди.

Ота бир лаҳза ўйланиб қолди.

— Мен сенинг меҳнатингга ачиняпман. Белинг қайишиб ер чопгансан, ўтоқ, чопиқ қилгансан, — деди Мўмин ота, кейин овози қатъийлашди, — ҳалиям бўлса бориб айт, картошка жуда майда экан, ҳали эрта кавлашга де!

Тиркашнинг юзида гуноҳкорона ва аянчли ифода пайдо бўлди.

— Отахон, у мени одам ўрнида кўрса экан, гапимга қулоқ тутса. Ҳатто отимни атамай, Тиркаш — алкаш деб чақиради-ку. Гапини қайтарадиган бўлсам, орқамга тўрттани тепиб, қувиб юборади.

Шундан кейин иккала тараф аллақанча фурсат жимиб қолди.

— Бўпти, — Мўмин ота қарор қабул қилди, — ҳозирча кавламай тур.

— Зарур келибдими кавлаб, — деди Тиркаш ўспириннинг қўлидан челакни олиб ёстиққа ўхшатиб пайкалга ёнбошлади, — бемалол бораверинг, мен унгача мизғиб оламан.

Мўмин ота одати бўйича шошилмасдан директор хонаси томон йўл олди.

Боққа ишга ўтганига ўн йил бўлган бўлса, шу вақт ичида Мўмин ота олтита директор кўрди. Бири боғдан чиқадиган ҳўл мевани четта пуллаб қўлга тушди, иккинчисини боғни ишратхонага айлантириб юборгани учун ҳайдашди, учинчиси нотавон ва ношуд кимса экан, фақат ухлагани келиб кетарди, яна бошқаси жуда ғайратчан, шайтон одам эди, иш кўлами тор экан, менга тўғри келмайди, деб ўзи кетворди, бешинчиси маишатни севадиган одам экан, худонинг берган куни қариндош-уруғлари, ёру биродарларини бошлаб келиб боғни ўзининг шахсий дала ҳовлиси қилиб олди. Хуллас, директор зоти чидамасди бу боққа.

Ҳозиргисининг келганига ярим йилча бўлиб қолди. Буниси жуда аломат одам чиқди, жуда ҳам боқибегам, дунёни сув босса тўпиғига чиқмайди. Юзидан заҳар томиб турадиган кимсалар бўлади, буники тескариси, башарасидан нур ёғилиб тургандек. Одам билан мийиғида кулиб гаплашади. Феъли кўринишига яраша — дўқ қилиш, ўчакишиш деган нарсаларни билмайди. Савлатдан ҳам худо берган, баланд бўйли, жуссадор, келишган одам. Айтишларича, олдин катта лавозимларда ишлаган экан. Одам ё ўқиган, ё уққан бўлиши лозим, бунда иккалови ҳам оқсар, савод чала, фаросат тўмтоқроқ эди. У туфайли бир жойда узоқ ишлолмас, унисидан олиб бунисига қўяверишарди. Пасайиб, пасайиб пировардида шу боққа келиб қолганди.

Икки қаватли коттежнинг битта хонаси директорга ажратилганди. Мўмин ота эшикни тақиллатиб хонага бошини суқди. Директор диванда ястаниб ўтириб видеофилм кўраётган экан.

— Келинг, отахон, — у очиқ чеҳра билан қарши олди чолни.

Мўмин ота телевизорга кўзи тушди-ю дарров юзини ўгирди.

— Бемаврид кирмадимми? — деб сўради.

— Нега бемаврид бўларкан, — деди директор тортинмасдан, кейин яна зиғирча тортинмасдан ёлғон тўқиди, — қизиғарларнинг шарманда киносини мажбурликдан кўряпман. Янаги ҳафтага бошлиқлар дам олгани чиқишар экан, кино кўришни истаб қолишса, уялиб қолмай деб эпақалироқларидан танлаб қўймоқчиман.

Директор телевизордан аранг кўзини узиб, одоб юзасидан ўчирди.

— Хизмат, отахон? — деди локайдлик билан.

— Тиркаш картошка кавлаётган экан, — ийманиб гап бошлади Мўмин ота.

— Хўш? — директор «шунга нима қилибди» дегандек ажабланиб чолга қаради, унинг кўзлари норасидаларники сингари беғубор эди.

— Картошканинг етишишига ҳали пича бор...

— На илож, отахон, корхона директорининг ўзлари шахсан телефон қилиб кечқурунгача бир қоп картошка тайёрлаб қўйинглар дедилар. Эртага ишчиларга пишириб беришга ошхонада битта ҳам картошка қолмабди, — худди севинчли хабар айтаётгандек жилмайди директор.

Мўмин ота сал каловланиб қолди.

— Тақсир, данакдек-данакдек картошкани кавласак уволига қоламиз.

— Начора, отахон, увол бўлади деб ишчиларни оч қолдира олмайсиз-ку, — у ўзининг топқирлигидан мамнун бўлиб қайтарди, — одамларни оч қолдириш гуноҳи азим.

Одатда одам қариганда панд-насиҳат беришни яхши кўрадиган бўлиб қолади, аммо Мўмин ота яхши қариган, бу касалга чалинмаган эди. Бинобарин кейинги гапини қийналиб, ўзидан зўрға ситиб чиқарди.

— Энди... бу ҳам бир гап-да тақсир, гилос билан чиллаки ўрик ғарқ пишиб ётибди. Ўшандан озгина териб сотилса, пулига бир қоп эмас, беш қоп картошка келади.

Директор тортишишга асло тоби йўқ одам эди, чолнинг устидан кулди.

— Содда экансиз, отахон, гилосни териб сотишнинг ўзи бўладими? Ким теради, ким сотади? Ўша Тиркаш алкашми? Кун бўйи дарахтдан тушмай терса аранг бир челакка етказади.

— Заводдан ҳашарчилар чақириш мумкин, — буни чол ўз тажрибасида кўрган эди.

Мўмин отанинг қайсарлиги, ғалчалик қилиб гапни чўзаётгани директорга ёқмади. Биринчидан, тинчи бузилган бўлса, иккинчидан, тезроқ чолдан қутулиб бояги «умбалоқидон» филмнинг давомини кўрмоқчи эди. Аммо директор асаблари темирдан оғир одам эди, ҳеч қачон жаҳлга эрк бермас, ходимларга дўқ, дағдаға қилиб ўзига душман орттирмасди. Унинг яккаю ягона қуроли танг аҳволга тушиб қолса, дарҳол ўзига улуғвор ва жиддий тус берарди.

— Энди бундай, отахон, — у донишмандларга ўхшаб салмоқ билан сўз бошлади,— тепадан бир гап айтилгандан кейин сиз билан бизнинг вазифамиз уни сўзсиз бажариш. Раҳбарларга гап қайтарадиган ёки худо кўрсатмасин, ақл ўргатадиган одамнинг шўри қурийди. Ҳарбийларда яхши гап бор: буйруқ муҳокама этилмайди, хўб бўлади, деб бажарилаверади. Мен шу қоидага амал қиламан. У қойил қилдимми, дегандек чолга мағрур назар ташлади.

Директори тушмагур ақлли кўринишга уриниш тентаклик аломати эканини билмасди, доно ҳеч қачон ўзини ақлли кўрсатишга ҳаракат қилмайди, деган ҳикматдан хабари йўқ эди-да бояқишнинг.

— Умумнинг фойдасини кўзлаб инсоф билан иш тутсак девдим-да, картошканинг майдалигини айтсак бошлиғимиз тушунарлар, балки раҳмат ҳам айтарлар...

— Дўппи тор келиб қолгандирки, ёрдам сўрабдилар. Шундай пайтда зудлик билан ҳожатларини чиқариш ўрнига панд-насиҳатга кўчсак, сизнингча инсофдан бўладими? — директор чолга камситганнамо назар ташлади.

Мўмин ота директорнинг кўзига маъюс тикилиб тураверди.

— Отахон, буни ҳаёт дейдилар. Ҳаммамизнинг оиламиз, бола-чақамиз бор.

Мўмин ота ундан кўзини узмай тураверди.

— Биламан, шундай қилиб бола боққандан кўра бозорга тушиб без тер, дейдиганлар ҳам бор. Ана ўша «диёнатли алломалар» бошлиқнинг гапини қайтариб, мунозара уюштираверсин. Биз ижрочимиз, айтганни бажарадиган итоатқор ижрочимиз. Отахон, ҳамма ўз иши билан шуғуллангани маъқул, косиб этигини тиксин, кулол кўзасини ясасин, бошлиқ буйруғини берсин...

— Узр, биздан ўтибди, — ниҳоят тилга кирди чол, — бошлиққа бир оғиз қўнғироқ қилиб олдиларидан ўтармикинсиз, девдим...

— Ув, отахон, — директорнинг кўнглидан «вой мияси айниб қолган чол-ей», сени деб бошлиққа шумшук кўринайми» деган гап кечган бўлса ҳам тилидан шира томди, — сизнинг ҳалол, диёнатли одамлигингизни биламиз. Ишингиздан мамнунмиз. Шундоқ экан, вақтида маошингизни олиб, ялло қилиб юраверинг, — директор «гап тамом» дегандек иккала қўлини тиззасига уриб қаддини ростлади, — Тиркаш-алкашга айтинг, имирсимасдан тезроқ қимирласин, ҳали замон машина келиб қолади картошкани олиб кетгани.

Мўмин ота «хўб» ҳам, «йўқ» ҳам демади, индамасдан чиқиб кетди. Боғ оралаб боракан, шиғил мева қилган дарахтларни кўриб юраги «жиз» этди. Нега «жиз» этмасин, ахир унинг пешона тери билан бир пайтлар қатқалоқ бўлиб ётган ташландиқ ер яшнаб турган боққа айланди.

Мўмин ота картошка пайкалига етиб, ариқ бўйига чўққайди.

— Ҳа, нима деди директор? — сўради ҳалигача ёнбошлаб ётган Тиркаш.

Чол жавоб бермади, носқовоғини олиб тилининг тагига бир кафт ташлади. Ерга тикилганча аллақанча фурсат хаёлга чўмди.

Тиркаш, чолнинг кайфиятини кўриб, кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди.

— Хафа бўлманг, отахон, директоримизнинг феъли маълумку, тепса тебранмайдиганлардан, ўзининг ҳаловатидан бошқани билмайди, инсоф йўқ унда.

— Сенда-чи? — чол бошини кўтариб йигитга таъналли назар ташлади.

— Бор-йўқлигини билмадиму, — зиғирча оғринмай жавоб қилди Тиркаш, — лекин мен ҳеч қачон жонимни ачитмайман. Жонини ачитмаган одам тинчгина яшайверади. Бошлиқларга ўчакишиб, ҳузур-ҳаловатимдан айрилишни истамайман. Қулларнинг эса қориндан бўлак ғами йўқ.

— Шунинг учун қуллар ҳеч қачон катта ишларга, жасоратга қодир бўлмаганлар, — деди Мўмин ота.

Мўмин ота шошмасдан ўрнидан турди, белбоғини ечиб елкасига ташлади. Қаддини ғоз тутиб улуғвор бир қиёфада дарвоза томон юрди.

Тиркаш бирпас унинг ортидан қараб турди. Кейин ҳар галгидек тақдирга тан бериб, икки букчайганча картошка кавлай бошлади.

— Ишқилиб, Мўмин ота бутунлай кетиб қолмасайди, — деб ёнидаги ўспиринга луқма ташлади, — чунки ота инсофли одам, ҳеч қачон ишдан вақтидан олдин кетмаган.

Тиркашнинг тахмини тўғри чиқди, эртасидан эътиборан Мўмин ота боққа қайтиб қадам босмади.

# Мирсодиқ ТОЖИЕВ

Республикамиз мусиқа маданияти ва санъатининг йирик намояндаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ҳассос бастакор, моҳир устоз Мирсодиқ Тожиев дунёдан бевақт кўз юмди...

Мирсодиқ Маҳмуд ўғли Тожиев 1944 йил 25 март куни Тошкент вилоятининг Юнусобод даҳасида деҳқон оиласида таваллуд топди. Мактаб тўгарагида қатнашиб, чанг чалишни ўзлаштириб олган ўспириннинг мусиқага кучли иштиёқи Ҳамза номидаги Тошкент мусиқа билим юртига етаклади. Бу ерда у асосан мусиқа назарияси ҳамда бастакорлик бўйича сабоқ олди. Сўнгра Тошкент консерваториясида ўқишни давом эттириб, 1970 йили бастакор сифатида ижодий йўлга қадам қўйди.

Ўтган давр мобайнида ижодкор бирин-кетин 19 симфонияни басталашга муваффақ бўлди. У халқ куй-оҳанглари, мақом йўлларидан унумли фойдаланиб 3,4,5,9,11, камер оркестр учун 7,8,12,16,18 симфонияларини ёзди. Сўнгги йилларда басталаган «Сомон йўли» номли 15,16,17 симфониялар туркуми Ўзбекистон симфоник мусиқаси равнақида катта воқелик бўлди.

Муаллифнинг «Кўҳна Самарқанд юраги» номли ноёб рангтасвирли мусиқали манзараси, халқ чолғулари ва оркестри учун ёзилган куйлари, фортепиано асарлари, Ҳ. Шарипов пиесаси бўйича «Чоллар ва кампирлар» мусиқали комедияси тингловчиларга яхши таниш. Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи асосида басталанган «Кумуш» операси эса саҳна юзини ҳали кўрмаган эди.

М. Тожиев ижодиётининг моҳияти шундаки, у замоннинг энг эътиборли, долзарб, тарихий-ижтимоий аҳамиятга молик мавзуларини кўтарди, ўзига хос миллий услубда ифода этди.

М. Тожиев ижодий жамоаларга, Ўзбекистон филармониясига бадиий раҳбарлик қилган, Республика Бастакорлар уюшмасининг раиси лавозимида ишлаган. М. Тожиев 1962 йилдан эътиборан мусиқа таълими соҳасида ҳам самарали меҳнат қилиб, қатор шогирдларни тарбиялади.

Атоқли бастакор айни ижодий камолотга етиб, эндигина 52 баҳорни қаршилаб олганда умри хазон бўлди...

Оллоҳ раҳмат қилсин, охирати обод бўлсин.

**Бир гуруҳ дўстлари**

Иқбол МИРЗО

# «МЕНИ ДЕСА, ЖОНИНГНИ ҲАМ БЕРАР ЭДИНГ»



***

**Осмонимни обод қилган қамар эдинг,**
**Балолардан сақлагувчи тумор эдинг,**
**Кўзларимга мудом кўзи хумор эдинг,**
**Йўлларимни ёшинг билан ювар эдинг.**
**Мени деса, жонингни ҳам берар эдинг.**
**Жон чекардинг, озор етса гар жонимга,**
**Минг алдасам, ишонардинг ёлғонимга,**
**Ногоҳ тикан ботар бўлса товонимга**
**Тиканларни кипригингда терар эдинг,**
**Мени деса, жонингни ҳам берар эдинг.**

**Гулми эдинг, боғдан ўзим юлганмидим,**
**Қулми эдинг, сени сотиб олганмидим?**
**Бир кун ёлғиз қолишимни билганмидим...**
**Нечун менга ҳайрат ила қарар эдинг,**
**Мени деса, жонингни ҳам берар эдинг,**
**Япроқларга шодон-шодон сўйлардим мен,**
**Чорбоғларга пинҳон-пинҳон бўйлардим мен,**
**Сени ўпиб, бегонани ўйлардим мен,**
**Асли менга сен ҳаммадан керак эдинг,**
**Мени деса, жонингни ҳам берар эдинг.**
**Йўқсан, сени йўқлаб йўллар қарагим йўқ,**
**Юрак ютиб борай десам, юрагим йўқ,**
**Ўзимга ҳам энди менинг керагим йўқ.**
**Мени, ҳатто мендан зиёд севар эдинг,**
**Мени деса, жонингни ҳам берар эдинг.**

***

**Ҳилвироқ китобни зарб билан ёпдим,**
**Кўҳна бўй урилиб, бузди кўнглимни.**
**Хазон тўшагидан бир гавҳар топдим:**
**Висол — муҳаббатнинг гўзал ўлими.**

**Булутлар учрашди чақмоқлар отиб,**
**Чақмоқ соғинчларнинг ойдин гулими?**
**Ёмғир шивирлади тўкилаётиб:**
**Висол — муҳаббатнинг гўзал ўлими.**

**Дарё қучоғида тош қотган тошлар**
**Эшитиб зериккан севги ўланин.**
**Дарё тўрт томонга ўзини ташлар:**
**Висол — муҳаббатнинг гўзал ўлими.**

**Мана, кузак билан юз кўришди ёз,**
**Изғирин титмоқда тандир кулини.**
**Бир оҳангда ҳуштак чалади аёз:**
**Висол — муҳаббатнинг гўзал ўлими.**

**Ёлғизим, бизларни сийлади тақдир,**
**Минг усулда тўсди борар йўлимни.**
**Севгимиз безавол яшайди, ахир**
**Висол — муҳаббатнинг гўзал ўлими.**

## БИР ЛАҲЗА

**Бир лаҳзада сенга баҳор бўлар куз —**
**Толеинг бир лаҳза жилмайиб боқса...**
**Муҳаббатим билан келдим юзма-юз**
**Ерости йўлида... фақат бир лаҳза.**

**Умрим тупроқ эди, айлана тупроқ,**
**Оёғим остида тупроқлар оқти.**
**Бу бахт — бир-бирига томон кавлаб чоҳ,**
**Ниҳоят, учрашган тутқунлар бахти!**

**Бир лаҳза бўлса-да яшадик бирга,**
**Дилдан тупроқ кетди, кўздан кетди кир.**
**Мен нечун шукрона айтмай тақдирга —**
**Мен уни кўрдим-ку, кўрдим-ку, ахир!**

**Азиз қадамжолар мен учун тамом,**
**Уларга таъзимлар қилай нега мен?**
**Ҳар куни шошаман ер ости томон,**
**Фақат ўша ерга бошим эгаман.**

**Бугун сескантирди бир совуқ савол,**
**Тилимни тишладим, тишларим синди.**
**Наҳот, ер устида бизга йўқ висол,**
**Наҳот, ер остида кўришсак энди?!**

## АФСОНА

**Билагингдан, лабингдан**
**Бинафша бўйи келар.**
**Йиғи келар қалбимдан,**
**Бўғзимни ўйиб келар.**

**Қайда эртаклар юрти,**
**Қай томонда Хоразм?**
**Фироқ жонимдан ўтди,**
**«Галди сани гўрасим».**

**Тола сочинг куйдирдим,**
**Учиб келдинг. Серзарда.**
**Мен жим турдим. Тек турдим.**
**О, агарда, агарда!**

**Дединг, нетаётирсан,**
**Мени тинч қўй, илтимос.**
**Сен бор-йўғи шоирсан,**
**Яъни одамсан, холос!**

**Менга теккан ди пари,**
**Йўқ, тўғриси, жин чалди.**
**Пирпиради лабларим:**
**«Сани гўрасим галди...»**

**Ҳайрон тушдинг. Бўшашдинг.**
**Чақилди ишқ чақмоғи.**
**Мен ошиқдим. Мен шошдим.**
**Гулга тўлди қучоғим.**

**Билагингдан, лабингдан**
**Бинафша бўйи келди.**
**Бир ўт чиқди қалбимдан**
**Томоғим куйиб келди.**

**Шивирладинг, шоирим,**
**Ишқ ёлғондир, йиғингил.**
**Муҳаббатнинг охири**
**Пушаймондир, йиғингил.**

**Сочинг юзимга сурдим,**
**О, кўзимнинг қораси.**
**Қайда эртаклар юрти,**
**Қай томонда Хоразм?**

**Тонгда фироқ муқаррар,**
**Ҳижрон кутар саҳарда,**
**Бирга ичайлик заҳар,**
**О, агарда, агарда!**

**... Парилар ҳийласини**
**Билмас одам боласи.**
**Кўйлагим тугмасига**
**Боғланган соч толаси...**

***

**Эсимда ҳамма-ҳаммаси:**
**Кўзлар. Бармоқлар. Гул. Атир...**
**Сиз ҳам унутмагансиз,**
**Мактубларингиз йўлдадир.**

**Балки эртага оларман,**
**Майлига битта сўз, бир сатр.**
**Энг муҳими, мен биламан—**
**Мактубларингиз йўлдадир.**

**Умрим шамолларга кулгу,**
**Саргашта айлади тақдир.**
**Адашиб-адашиб, келар-ку,**
**Мактубларингиз йўлдадир.**

**Ҳаётим ўзгарар батамом,**
**Кўнглим кўзадек тўладир.**
**Сархуш яшайдирман. Ҳамон —**
**Мактубларингиз йўлдадир.**

**Ўн йил ўтибди. Ўн йил.**
**Бу менга ягона далдадир.**
**Ҳар тонг бир орзиқиб олар дил,**
**Мактубларингиз йўлдадир.**

Анвар ОБИДЖОН

# ЎЗИГА ХУДОЙИ ҚИЛГАН ОДАМ

ЁДНОМА

Ўтириш чўзилган сайин давра ҳам совий боради. Яна шундай бўлди. Аввалига бири-биридан жўшиб, унисининг қайновига буниси пайров қўшиб, гурунгни гулдиратиб турганларнинг тобора шашти сўнаверди, охири ҳар ким ёнидаги улфати билан сирлашишга ўтди. Ўзининг ниҳоятда ҳозиржавоблиги, топқирлиги билан доим ажралиб турувчи мактабдош дўстим Шермуҳаммад Ўринбоев гапни қоқ нишонга уриши билан мени қайта ҳайратга солди:

— Хоҳласангиз, ҳозир ўтиришни бирданига қизитаман-қўяман, — деди у. — Олтиариқдаги ҳар қандай даврада Абдубанноб акадан гап очиб қўйсангиз бас, уёғини ўзлари илаштириб кетишади азаматлар.

Ҳақиқатанам, бундай ҳолни жуда кўп кузатганман. Бирон киши Абдубанноб акадан гап очдими, кейин мавзуни бошқа ўзанга буришнинг иложи қолмайди. Ҳар ким у билан боғлиқ қизиқ таассуротлари, кечинмаю ҳангомаларини сўзлашга тушади. «У ким эди ўзи?» деб сўровчи биронта одамни ҳали кўрмаганман. Одил аканинг таъбири билан айтганда: «Олтиариққа эрталаб кўчиб келган киши, Абдубанноб акани кечқурунгача таниб улгурар эди».

Дўстимизнинг орамиздан кетганига бир ярим йилдан ошяпти, аммо нафақат яқинлари, у билан онда-сонда суҳбатлашиб юрганлар орасида ҳам ҳали ўрни совугани йўқ. Унинг энди бу дунёда мавжуд эмаслигига ҳеч кимнинг ишонгиси келмайди. Гўё ҳозир эшик очилади-ю: «Ҳа, писмиқлар, бизга билдирмай подалашиб олганларингга куяйми», дея кўзини қиялатиб кулганича кириб келадигандек. Ҳамма, беихтиёр, шу мўъжиза рўй беришини кутади. Деярли сирсалобати бўлмаган, жиккаккина, ўсмирлардек соддадил, чойхоначилардек камтару парвона, беадад қувноқ бир киши бунчалар меҳр-муҳаббатга сазоворлигининг сири нимада, деб ўйланиб қоламан.

Тўғри, у тумандаги тилга тушган амалдорлардан бири эди. Жумҳурият миқёсида кўргазмали йиғилишлар ўтказиб туриладиган намунали бўрдоқичилик корхонасини бошқарарди. Лекин, Олтиариқда донги етти иқлимга таралгудек амалдорлардан қанчаси ўтган. Тўғри, у давраларнинг гули, базмларнинг қаҳқаҳабошиси эди. Бироқ, бу гўша азалдан манаман деган қизиқчию аскиячиларга бой, уларнинг олдида Абдубанноб ака ким бўпти? Тўғри, у ўта меҳмондўст, улфатбоз эди. Бу депарада эса бундай келди-кетдиси кўп хонадонлар бесаноқ...

Ниҳоят, диққатимни унинг нодир бир фазилати алоҳида жалб этди — Абдубанноб ака бировга ёмонлик қилмас эди. Мабодо, қайсидир қабиҳ душманига ёмонлик қилишга жазм этганида ҳам, имоним комилки, буни барибир уддалай олмаган бўларди. Кўнгли жуда бўш эди. Туғма яхши одам эди. Бир гапи ҳануз эсимда: «Мени нуқул пашшаларга ёпишасиз, деб мазаҳлайсизлар. Пашшани сурбет, ифлостабиат одамларга ўхшатаман. Уларни савалаётиб, баъзи аблаҳларни мажақлаётгандек хумордан чиқаман. Оламда фақат яхшилар қолаётгандек кўнглим ёришади». Раҳматлининг ўчкорлиги ҳам рамзий эди, тажовузкорлиги пашшаларни қиришдан нарига ўтмасди.

Ёмонликни эплай олмаса-да, яхшиликни қиёмига етказишни эшиб қўяр эди. Олдига бирон ташвиш билан келган кишининг ноумид қайтганини биров эслай олмайди. Янгийўллик қадрдони Аҳмаджон ака: «Абдубанноб яхшиликсиз ўтган кунини кун ҳисобламайди шекилли», дер эди. Бир қарасангиз суюкли санъаткори Маҳмуджонни даволатиш учун Тошкентдан Фарғонага олдириб келган; бир қарасангиз, тожикистонлик кекса ҳофизнинг бошини бирон кампирга қовуштириб қўйиш дардида юрган; гоҳ нафақадаги собиқ тракторчиси Деҳқон бувага камёб дори-дармонларни топиб келиб, уйига ташлаб кетаётган; гоҳ камхаржроқ маҳалладошининг маъракасига кўмак уюштираётган...

Бир куни катта йўлнинг ёқасида Шодивой ака деган девонаваш кимса билан гаплашиб турганини кўриб қолдим. Борсам, Шодивой ака уни чапанича дуо қилиб бўлиб, менга илжайганича: «Эртага укамнинг ёнига борадиган бўлдим, менга бошдан-оёқ сарпо кийдирмоқчи», деди.

Орадан икки-уч кун ўтгач, бошанг кийиниб олган Шодивой акани тамантно бир кайфиятда учратдим.

Балки, «ҳа, энди, топиши зўр бўлгандан кейин...» дегувчилар чиқар. Аввало, ботмонлаб топиб, мисқолча ҳиммати йўқларни ҳар одимда учратиш мумкин. Қолаверса, Абдубанноб ака юлғичликнинг ҳадисини ололмай ўтди. Баъзан, сотиладиган узумининг пулига қараб қолганини, баъзан эса уй солиш чун давлатдан кредит олишга мажбур бўлганини, рўзғорига керакли сабзавотларни томорқасида етиштириб ғамлашга одатланганини яқин дўстлари яхши билишади.

— Бизбоп замон мана энди келди, — дея тўлқинланиб гапирган эди Абдубанноб ака. — Илгарилари етиштирган нарсаларни урвоғигача давлатга топширасан, деб туриб олишарди. Айтилганидан орттириб, ё бўлмаса, йўлини топиб, одамларга қанча кўп берсанг, шунча раҳмат айтадиган раҳбарлар ҳам чиқаркан-ку.

Ишчиларига томорқа беришда Абдубанноб ака ҳаммага намуна бўлди. «Президентимиз ўзлари, бер энди ерни эгаларига, деб турганларидан кейин, мен қизғаниб нима ҳам қилардим», деб қўярди ғурурланиб. Дончиларга ҳукумат томонидан берилган имтиёздан ҳам моҳирона фойдаланди. Етиштирилган мўл-кўл ҳосилнинг тегишли қисмини унга айлантириб, далачиларнинг қишлигини таъминлаб берди. Бундан ташқари, тумандаги бошқа қишлоқлардан ҳам ночор хонадонлар рўйхатини олдириб, ҳаммасига бир-икки қопдан «оқ хайрия» тарқаттириб чиқди. Республикамиздаги таниқли кишилардан бири Воҳид ака Содиқов: «Абдубанноб Охунжоний тириклигида ўзига худойи қилиб юрган инсон эди», деганида минг бор ҳақ эди.

Ҳа, уддабуронларнинг, халқпарварларнинг замони келиб, Абдубанноб акага ҳам қулочини кенг очганида, шукуҳли дамларда яйраб-яшнаб ишлаш унга узоқ насиб этмади. Кутилмаган фожиа дўстимизни ҳаётдан юлиб кетди, қувончини, орзуларини, савобпеша ниятларини чилпарчин қилди.

Туман ҳокими, қисқа вақт ичида Олтиариқда катта ўзгаришлар қила олган истеъдодли ёш раҳбар Аъзамжон Муҳиддинов қайсидир суҳбатда: «Абдубанноб аканинг ўрни, қадри энди билиняпти. Шу кишини деб туманимизга не-не азиз зотлар тез-тез қадам ранжида қилиб туришарди. Энди катта хўжалигимизнинг бир томони ҳувиллаб қолгандек туюляпти», деган экан. Бу чин юракдан айтилган мардона гап. Абдубанноб аканинг хонадонига қанчадан-қанча арбоблар, таниқли шоиру олимлар, машҳур ҳофизу ишбилармонларнинг қадами етган. Улар орасида Нуриддин Муҳиддинов, Эркин Воҳидов, Неъмат Аминов, Алибек Рустамий, Очилхон Отахонов ва бошқалар бор.

Яқинда қишлоқда бўлганимда Абдубанноб аканинг хонадонини йўқлаб бордим. Келин аямиз Гулсора опа келини ва қизини ёнига олиб, томорқадаги экинларни чопиқдан чиқараётган экан. Ҳовли покиза табиатли Абдубанноб аканинг тириклик пайтидагидек сарамжон-саришта. Узумлар дид билан хомток қилинган, дераза ойналари топ-тоза. Ҳафтасига камида икки марта гавжум бўладиган меҳмонхона пиллапоясида чилопчин ва обдаста, панжарага сочиқ илиб қўйилган. Буни кўриб, кўнглим бузилиб кетди. Аҳволимни Гулсора опа ҳам сезди.

— Ҳа, меҳмонхонамиз ўшандан бери жим-жит. Кептуринглар, Абдувоҳид ҳам катта бўп қолди, — деди у эзгин оҳангда.

— Бу... вақтинчалик холос, опа, — дедим унинг кўнглини кўтариш умидида. — Бир оққан дарё оқаверади. Аҳмадали отанинг даврида бу хонадонда Охунбобоевдан тортиб, қанча табаррук зотлар туз тотишган. Кейин, фурсат ўтиб, Абдубанноб акамнинг даври бошланди. Озгина вақт ўтсин, ўғлингизнинг ҳам гали келади, меҳмонларга зиёфат тайёрлайвериб, ҳолдан тойиб кетасиз ҳали...

— Илойим, айтганингиз келсин, — деди Гулсора опа ва ёш тўплана бошлаган кўзлари бирдан порпираб кетди...

Шуларни ёзарканман, бир нарсага қайтадан амин бўлдим: Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи. Фақат ҳақиқат, илм ва яхшилик ўлмайди! Ва яна, ўзимга ва атрофимдагиларга савол бергим келади:

— Биз ўзимизга худойи қила оляпмизми? Бунга улгурмаган бўлсак, нимамизга гердайиб юрибмиз?!.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Мели Норматовга қизи **НАВРЎЗАнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси Насриддин Муҳаммадиевга онаси **ЧИННИ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Муҳаммад АЛИ
*Ўзбекистон халқ ёзувчиси*

# ЧИНГИЗ ОҒА БИЛАН УЧРАШУВИМ

***Амриқода бўлган суҳбат***

Ҳамиша Аллоҳнинг марҳамати улуғдир, инсонга ҳар куни, ҳар сонияда турфа учрашувлар ҳадя этади. Биз сўнг узоқ вақт унинг таъсирида юрамиз, шунинг натижасида бизларнинг олам ҳақидаги тасаввурларимиз кенгайиб боради. Менинг устоз Чингиз Айтматов билан учрашувим, айниқса, бу учрашувнинг Ватандан йироқ бир ерда юз берганлиги кўнглимда чуқур из қолдирди. 1996 йил 11-13 апрел кунлари Америка Қўшма Штатларининг Миннесота штатидаги Миннеаполис шаҳрида Марказий Осиё республикаларига бағишланган «Янгиланиш ва демократлаштириш учун кураш» деган конференция бўлиб ўтди. Брюсселдан учиб келган Чингиз оға — у Қирғизистоннинг Белгиядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси — бу муҳим конференция ишида фаол қатнашди, икки марта сўзга чиқди, бир учрашув ўтказди. Мен Вашингтон университетида шу вақт «Марказий Осиё ёзувчилари ва зиёлилари советлар даврида» мавзуида махсус мухтасар курсдан маърузалар ўқимоқда эдим ва конференция ишида меҳмон сифатида иштирок этдим. Уч кун бирга бўлсак-да, Чингиз оға билан бироз хотиржам суҳбатлашиш имкони фақат конференция ташкилотчиси — Миннесота университети профессори Ада Мэйо хоним хонадонидагина бўлди. Ада Мэйо хоним Чингиз оға ижодининг тадқиқотчиси ва мухлиси экан.

Қачондан буён Чингиз оғани биламан, деб ўз-ўзимга савол бераман. Бу 1960 йилдан бошланган. Адиб Москвадаги Горкий номидаги Адабиёт институтининг Олий адабиёт курсини янги битирган, биринчи қиссалари эълон қилиниб, ўқувчилар қалбини забт эта бошлаган пайтлар эди. Ўшанда «Тоғ ва дашт қиссалари» китобини ҳар дамда одамлар қўлида кўриш мумкин бўларди. Мен ўшанда Адабиёт институтида таҳсил олар эдим, ётоқхонамиз бир эди, институтимиз Александр Герцен ҳовлисида жойлашганди. Дарсхоналарда, Останкинодан унча узоқ бўлмаган ердаги ётоқхонамизда замонанинг таниқли адиблари, шоирларини тез-тез кўриб туриш мумкин эди. Институтда ва унинг Олий адабиёт курсида турли миллат вакиллари ўқиган, масалан, Расул Ҳамзатов, Виктор Астафев, Егор Исаев, Евгений Евтушенко, Белла Аҳмадуллина... Ўлжас Сулаймонов бизлардан уч курс юқори ўқир эди, Николай Рубцов билан курсдош эдик. Чингиз оғани домлаларимиз ҳам, ўзимиз ҳам яхши кўрар эдик. Шунинг учун уни тез-тез институтга, ётоқхонамизга учрашувларга таклиф этишарди, у ҳам биронтасини қолдирмай, эринмай келарди, бизларнинг турли саволларимизга жавоб берар, баҳслашар эди. Биз Марказий Осиёдан борган студентлар, албатта, унинг атрофида парвона эдик. Студентлар, айниқса, Адабиёт институтининг студентлари, ўша пайтдаёқ ўзларини «улуғ адиблар» қаторига қўшиб қўйган ҳаваскорларнинг баъзан беписанд саволларига ҳам оғир-босиқ жавоб беришига, кенгроқ қарашига эътибор қилар эдим. Бу муҳим хусусият экан. Бир куни, дарсдан кейин Чингиз оға билан учрашув бўладиган кун, чет эл адабиёти муаллимимиз, Тургенев қаҳрамонларига ўхшаб кетадиган нуқтадон Сергей Артамонов, — хорижий адабиётдан дарсликлар ёзган, дарсларни жуда чиройли ўтарди — бугун Чингиз Айтматов билан учрашув бўлишини таъкидлаб, унга албатта қатнашишга таклиф этди. Кейин қўлидаги «Юманите» газетасини очиб, тўппадан-тўғри таржима қилиб русча ўқиб кетди: «Эй, муҳаббат кечаларининг таърифини берган Алфред де Мюссе. Сен қирғиз ёзувчисининг «Жамила» асарини ўқисанг, муҳаббат кечаларининг қандай бўлишини билиб олар эдинг!..» Бу — деди домла, — Луи Арагоннинг мақоласидан, у Чингиз Айтматов ҳақида шундай ёзади...

Ўша қайноқ йиллардан гап бошлаганимда, Чингиз оға кулиб деди:

— Эҳ-е, қайси даврларни эсга соляпсан, қанча йиллар ўтиб кетдию... У пайтлар, айниқса, эрувгарчилик йиллари, адабиётга жуда катта умид билан қарардилар, адабиёт ҳам бу умидларни оқлашга ҳаракат қиларди.

— Бу билан ҳозир адабиёт аҳволи бошқачароқ, демоқчисиз-да...

— Ҳа, ҳозир адабиёт бошига қийин кунлар тушди. Адабиётнинг тарқалиши қийин бўлиб қолди. Бошқа ҳар турли харажатлар кўп, адабиётдан бошқа нарсаларга алахситадиган ишлар кўп. Ҳисоблашишга мажбур бўлади киши. Лекин бу катта адабиёт, умуман адабиёт учун, ёзувчи учун жиддий синовдир. Ундан ўтиб олишни ўйлаш керак.

— Чингиз оға, мана, Амриқода юрибмиз, аммо эсимга ўтган йили Тошкентда «Туркистон» саройида бўлган анжуман тушади. Ўзбек матбуоти бу воқеани яхши ёритди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида Аҳмаджон Мелибоевнинг суҳбати ҳам босилди, олгандирсиз. Президентимизнинг «Туркистон — умумий уйимиз» ғоясидан нурланган бу анжуман, «Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси» ташкил этилиши қутлуғ воқеа бўлди...

-Ҳамманинг ҳам кўнглида шундай бир туйғу, ҳис бор эди... — деди Чингиз оға. — Катта аҳамиятга эга бир иш бўлди бу. Ҳали юқорида айтганимдай, адабиёт, маданият қийин аҳволга тушиб қолган шундай кунларда бу ассамблея зиммасига катта вазифалар тушади. Бугун, Миннеаполисдаги конференцияда ҳам, ўзинг кўрдинг, худди Тошкентда айтган гапларимни такрорладим, назаримда, бу конференция Тошкент анжуманининг давомидай туюлди. Чиндан ҳам зиёлилар, яъни, ёзувчилар, олимлар, ўқитувчилар, умуман илм аҳли эл-юрт, Ватан олдида жуда ҳам масъулиятли кишилардир. Миллий низо ёки фожеа юз берган ерда, назар солинса, зиёлилар масъулиятни ёддан чиқарган бўладилар. Бизнинг ассамблеямиз Марказий Осиёда маданий-ижтимоий ҳаётнинг барқарорлиги, руҳий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик, юз бериши мумкин бўлган низолар олдини олиш, кенг маънавий ҳаётимиз муаммоларини ҳал қилишга бел боғлаган.



— Ассамблеянинг ҳозирги фаолияти қандай кечмоқда?

— Адабиётнинг аҳволи оғирлигини айтдим, айниқса, шеъриятга қийин бўлиб қолди. Китоб чиқариш учун ҳомий топиш керак, спонсор дейди-ку, ҳозир бу машҳур сўз... Алматида шу йил август ойида бир йиғин қилмоқчимиз, унинг номини «Китобнинг тақдири» деб атаябмиз. Шеъриятга боғлиқ муаммоларни кўриб чиқмоқчимиз.

Кейин Чингиз оға менинг Америкага келишим сабабини сўради, айтдим. Сиэтлда Вашингтон университетида профессор Илза Сиртаутас раҳбарлигида Марказий Осиёнинг ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик каби тиллари ўрганилишини, бу ерда шундай анъана борлигини эшитиб хурсанд бўлди.

— Чингиз оға, — дедим суҳбат мавзусини ўзгартириб, — кино ижодингизнинг бир қаноти бўлиб қолган. Асарларингиз бўйича нечта кино қилинган?

— Бундай кинолар ўнтага етди. Аммо уларнинг ичида менга маъқул бўлганлари учта: булар «Оқ кема», «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» ва, мана яқинда Берлинда катта мукофотга сазовор бўлган «Бўронли бекат» филмлари.

— «Оқ кема» асарингиз менга худди шеърда ёзилгандай таассурот қолдиради, бу орзулар достони. Ҳам фалсафий, ҳам тарихий асар. Жуда бичими келишган асар, дер эдим.

— Жуда чуқур ўқибсан, — деди Чингиз оға кулиб, кейин жиддий тусга кирди. — Ҳа, унда болалигим излари бор... Бундан бир неча йил аввал хизмат билан Пекинга бордим. Меҳмонхонага жойлашиб ўтирган ҳам эдимки, телефон жиринглади. Ҳайрон бўлдим, ким бўлиши мумкин? Пекинда бирон танишим ҳам йўқ... Қулоқ солсам, кимдир қирғиз тилида салом беради. Ким бу, десам, нима дейди, дегин? Мен «Оқ кема»даги дарёга сузиб кетган исмсиз болангизман, дейди!.. Пекинда ўқиётган қирғиз студентларидан экан, улар билан учрашишга ваъда бердим, кейин учрашдим ҳам. Барчаси «Оқ кема» қаҳрамони тенгқурлари экан...

— Жуда таъсирли воқеа юз берибди... Бу қиссангиз Америкада эълон қилинганми?

— Ҳа, «Страус энд Страус» деган нашриёт босиб чиқарган эди.

— Асарларингиз чет элларда кўп босилади, шу қандай амалга оширилади? Ноширлар сиздан сўрашадими ёки билдиришмайдими? Шундай ҳоллар ҳам бўлганми? Бундай ишлар билан бирон вакилингиз шуғулланса керак?

— Бўлган, — деди кулиб Чингиз оға. — Масалан, Грецияда еттита китобим босилиб чиқибди, ўзимнинг хабарим йўқ. Ҳозир Брюсселда вакилим бор, бундай ишлар ўшанинг зиммасида.

— Ҳеч қизиқиб кўрганмисиз: асарларингиз неча тилга таржима бўлибди?

— ЮНЕСКО маълумотига кўра асарлари кўп тилларга таржима қилинган ўнта ёзувчини аниқлаганлар. Шу рўйхатга мени ҳам киритишибди. Шу пайтгача менинг асарларим дунёнинг 130 тилига таржима бўлган экан.

— «Иссиқкўл форуми» яқин-ўртада йиғин ўтказадими?

— Бу йил кузда форумни йиғаман деб турибман.

Чингиз оға шу кунларда Ҳамдўстлик мамлакатларида ўқитувчиларнинг аҳволи яхши эмаслигига диққатни қаратди. Ўқитувчиларнинг аҳволини яхшилаш зарур, улар маошини оширмоқ, шароитини яхшиламоқ лозим. Акс ҳолда улар бошқа фойдаси кўпроқ ишларга кетиб қолишмоқда, бу маориф ва таълим ишларига зарар етказади... Кейин ёшларга тилак маъносида, аввалги адабий тажрибаларни модернизмга қўшган ҳолда ижод қилинса яхши бўлади, деди. Анъаналар унутилмаслиги керак. Гап Чингиз оғанинг сўнги романи «Кассандра тамғаси»га тақалди. Роман чиққандан кейин унга қарши ҳужумлар ҳам бошланиб кетди, очиқ, шартаки танқидлар деса бўлади уларни. Миллатчилик руҳида ёзилган танқидлар. Уларнинг маъноси — нега ўзи рус бўлмаган муаллиф рус кишиси ҳақида ёзади?.. Бундай муносабатни ёзувчининг «Кунда» романига нисбатан ҳам кўрган эдик.

— Романимнинг қаҳрамони — рус олими, генетик олим, у космонавт, фазода кемада учиб юрибди, — изоҳлайди Чингиз оға, — кейин янги одамлар бориб, аввалги экипажни алмаштириб, эски космонавтларни Ерга олиб тушишмоқчи бўлишади. Ана шу ерда қизиқ ҳодиса рўй беради: менинг қаҳрамоним Ерга қайтишдан бош тортади! Воқеа жанжалга айланади, Ерда генетик олимни космик диссидент, деб аташади. Бунда теран маъно бор. Шундай қилиб, собиқ генетик олим космик монах — фазовий роҳибга айланади. Унинг шундай қилишига етарли, чуқур асослари бор эди.

— Қандай асослар экан? — сўрадим мен.

— Генетик олимнинг тавба-тазарруси бор. У умуман Инсон ва Инсоният ривожи, тараққиётидан қониқмайди, шундай бўлишида кўплар қатори ўзини ҳам айбдор сезади. Инсоният тараққиёти уни катта ташвишга солади. Ана шу тараққиёт ҳақида космик одам сифатида унинг ўз қарашлари бор. Шуларнинг бари ҳақида у Рим папасига мактуб ёзади... Роман шундан бошланади.

— Чингиз оға, бир фикр-да, шу, назаримда, дунёда бесаранжомликлар кўпайиб кеттандек... Ҳар хил сиёсий, миллий низолар, урушлар... Сизга ҳам шундай туюладими? Ёки ҳамма замонларга хос нарсами бу?

— Ҳамма замонларда ҳам бўлган, ҳамма замонларга хос нарса... — деди Чингиз оға ўйланиб. — Лекин бизнинг замонда диний руҳият, ҳолатнинг кучайиб бориши кузатилмоқда. Ҳамма динлар ҳурмат-эътиборга муносиб ва лойиқ. Динсиз Инсон сиймосини тасаввур этиш қийин. Дин бизни ёруғ орзуларга чорлайди, қайғули дамларимизда руҳимизни кўтаради. Аммо бугун нега динлар, асил вазифаси, бурчи бир бўлган динлар бир-бирига душман сифатида қарашади? Бундан инсон азоб тортади, азият чекади?..

— Кечирасиз, Алишер Навоий «Лисонут-тайр»да, парвардигор инсонни коинотнинг тожи қилиб яратди, деб ёзган эди...

— Демак, коинотнинг тожи бўлган инсон азоб тортади... Кўрдингми. Шу нарса мени кўп ўйлантиради... Романимнинг қаҳрамонларидан бири америкалик футуролог олим Роберт Борг, қани энди менга ҳуқуқ ва имкон берилсаю дунёдаги ҳамма динларни қабул қилсам, динлар ассамблеяси ташкил этилса, чунки ҳаммани ҳам парвардигор яратган, дейди... У кўп воқеаларни кузатади, динлар тарихи билан қизиқади. Аммо бу ҳақдаги ўз фикрларини айтиб улгурмай, оламдан ўтади... Менинг мақсадим — одамларнинг фикрини уйғотишда, одамларни ўйлантириш, мулоҳаза юритишга ундашда. Ёзувчининг вазифаси шу, менимча.

— Тўғри, ёзувчи муаммо қўяди, унинг ечими инсонларга, ҳаётга боғлиқ бўлади, — дедим ва Чингиз оғанинг ўз асарларида дунёвий муаммолар ҳақида бош қотираётгани ҳаммамизга ҳам ўрнак эканлиги, устоздан кўп нарса ўрганишимиз лозимлигини англадим. Бу катта мактабдир.

— «Кассандра тамғаси» қайси тилларда чиқди? Дарвоқе, бизда «Чўлпон» нашриёти хамир учидан патир, маъносида ундан бир парчани китобча қилиб нашр этди.

— Бу роман ҳозирча Япония, Хитой, Германия ва Италияда босилиб чиқди.

— Қайси пайтларда ижод қиласиз?

— Ҳар кун эрталаб соат бешдан ўн-ўн бирларгача ишлайман.

— Сир бўлмаса, ҳозир ёзаётган асарингиз ҳақида бир-икки оғиз гапириб берсангиз.

— Янги асаримнинг мавзуси уруш ҳақида, «Жамила» қиссасидаги давр, аммо албатта, мутлақо бошқа асар. Белгияда бир нашриёт битиришимни кутиб турибди, эълон қилмоқчи.

Суҳбатимиз давомида яна кўп мавзуларда сўз кетди. Охирида Чингиз оға шундай деди:

— Биласанми, Наврўз кунлари бошланиши билан бободеҳқон далага уруғ сочади. Навбатма-навбат ўнгга, чапга уруғ сочганда унинг айтадиган сўзлари бор. Сўзларининг маъноси тахминан шундай. Мана бу сочганим етимларга, мана бу сочганим бева-бечораларга, мана буниси болаларга, мана буниси оилаларга, мана буниси қўшниларга, мана буниси меҳмонларга, савдогарларга, чумоли, қурт-қумирсқаларга, ҳаммага бўлсин. Илоё, битта уруғ ўнта бўлиб униб чиқсин, ўнта уруғ юзта бўлиб кўкарсин, юзта мингта бўлсин, мингта — туман... Илоё, ҳеч қайсисини ўғирлатмайин, барчаси қандай ният қилган бўлсам, ўшандай айтганларимга насиб этсин... Мен бободеҳқоннинг ўша дуоси ҳақида кўп ўйлайман, бу менинг дуоимга айланиб қолган. Кел, бизлар ҳам, не ният қилган бўлсак, насиб этсин, ниятимизга етайлик.

Ёзувчи, адиб ҳам ўзига хос бир деҳқондир, қўлига қалам олганда, у ҳам деҳқон сингари қутлуғ ниятларни кўнглига тугади. Устоз Чингиз Айтматовнинг юқорида айтган сўзлари, назаримда, деҳқонларга ҳам, адибларга ҳам эзгу тилак бўлиб жаранглади.

**АҚШ,**
**Миннеаполис шаҳри**
**1996 йил, 12 апрел**

# УМИДИМИЗ КАТТА

**Боши биринчи бетда**

мумкин. Демоқчиманки, биз кўрик-танлов ўтказаётганда ҳаваскорлар ичидаги янги овозларга, янги талқинларга, янгича ижро усулларига ҳам эътибор беришимиз керак.

**Абдуҳошим ИСМОИЛОВ, Ўзбекистон халқ артисти:**

— Қўшиқлар танловининг ўтказилиши ҳар жиҳатдан маъқул бўлди. Халқимиз ичида талантли ижрочилар кўп, истеъдодлар исталганча топилади. Уларни аниқлашимиз, маҳоратларини янада тарбия қилишимиз, истеъдодларини тўғри йўлга йўналтиришимиз зарур. Аммо, бунда бир нарсага аҳамият бериш керак, деб ўйлайман. Кейинги пайтларда ола-қуроқ қўшиқлар жуда кўпайиб кетди. Ҳеч иккиланмай ўзлаштириб олишларни айтмайсизми? Ҳиндча, туркча, афғону эронча оҳангларни номигагина ўзгартириб, бемалол қўшиқ қилавериш яхши эмас. Бу билан ўзини санъаткор деб ҳисоблаётган ана шундай топқирлар энг аввало ўзини алдайди. Чунки дидли тингловчи бундай қоришиқ қўшиқларга меҳр қўймайди. Мен кўплаб кўрик-танловларда иштирок этиб бунга кўп бор амин бўлганман. Биз ижро маҳоратини баҳолаётганда ана шундай сохтакорликларга диққат билан қарашимиз лозим.

**Нозимбек ҲАСАНОВ, Шаҳрихон тўқимачилик комбинатининг бош муҳандиси:**

— Мен санъаткор ёки ижрочи эмасман, оддий тингловчиман, яхши қўшиқ шайдосиман. Гоҳо шундай бўладики, қўшиқдаги битта сўз, битта чиройли ифода, мусиқанинг ёқимли бир зарби юрагингизни эритиб юборади, чарчоғингизни босади, кўнгил тоғдек кўтарилади. Навоий, Бобур, Нодирабегим, Машраб, Муқимий ғазалларига басталанган қўшиқларни тинглаганимда бу кўҳна дунё, бу мураккаб ҳаётнинг не-не маъноларини уққандай бўламан. Вақтнинг озлиги, ундан унумли фойдаланиш, эл-юрт учун бирор бир керакли иш қилиш тараддудига тушасиз. «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танловини мен ҳам кузатиб бормоқдаман. Тўғри, қўшиқларнинг ҳаммаси ҳам бир хил савияда эмас, аммо кейинги уч-тўрт йил ичида ижро этилган «Ўзбекистон муштарак», «Эл бўл, халқим», «Алёр», «Юрт ишқида ёнаман» каби эл аро машҳур бўлиб кетган қўшиқларни, Юлдуз Усмонова, Фаррух Зокиров, Муяссар Раззоқова, Ғуломжон Ёқубов ва бошқаларнинг янги ашулаларини, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Муҳаммад Юсуф, Нормурод Нарзуллаев, Абдусаид Кўчимовнинг мустақилликни мадҳ этувчи шеърларини бугун албатта айтишимиз керак. Уларнинг аксарияти дилимиздан жой олди, хиргойига айланди.

Афсуски, қўшиқларимизнинг ҳаммаси тўғрисида ҳам юқоридагидай фикрларни айта олмаймиз. Енгил қўшиқлар кўпайгандан кўпайиб бормоқда. Тўйларда ижро этилаётган баъзи «ашула»ларга эътибор беринг — на мазмун, на маъно бор, шунчаки олди-қочди гаплар. Халқимиз сабрли-бардошли экан, бирор киши ўртага чиқиб «Ҳой бола, бу қанақа қўшиқ», демайди...

**Имомали КАРИМОВ, Қўқон тиббиёт билим юрти ўқитувчиси:**

— Яқинда телевидениемизда ҳозирги қўшиқчилигимиз аҳволи, ютуқ-камчиликларига бағишланган бир кўрсатув бўлди. Ҳофизлардан бири қўшиқни илоҳий неъмат, деди. Менинг ҳам фикрим шундай. Бундай истеъдод ҳар кимда ҳам учрайвермайди. Ҳозир қўлига тор олиб санъаткорман дея саҳнага чиқиб куйлаётган кўпчилик ёшларимиз, ҳурмат билан айтганда, шунчаки ҳофизликни ҳавас қилгувчилардир. Ҳақиқий санъаткорлар бутунлай бошқа.

Агар мен ўзбек қўшиқчилигида Комилжон Отаниёзов, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Фахриддин Умаровлар — бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин — ўзига хос мактаб яратганлар десам, муболаға бўлмас. Уларнинг ижро йўллари йиллар ўтиб ёшлар томонидан қайта сайқалланса сайқалланадики, асло унут бўлмайди.

Юқоридаги рўйхатга мен хушовоз хонандамиз Шерали Жўраевни ҳам қўшаман. Гап менинг у кишига ашаддий мухлислигимда эмас, бу — элда тан олинган ҳақиқат. Шерали аканинг қўшиқларида ёқимли оҳанг, сеҳрловчи куй, бетакрор овоздан ташқари тингловчини ўй-фикрга, мулоҳазага чорловчи ҳаётий мулоҳазалар ҳам бор. Гап мана шунда. Қўшиқ, агар у ҳақиқий санъат асари бўлса, биринчи галда даъваткор бўлади, вужудни уйғотади, тингловчини эзгулик манзиллари сари чорлайди.

Шу ўринда дилимдаги бир мулоҳазани айтиб ўтай. Нега кўпгина истеъдодли хонандаларимиз қўшиқчиликда юксак натижаларга эриша олмайдилар? Бунинг сабаби шуки, улар азал бошдан ўз овозларини, ўз йўлларини интилган манзилларини аниқлаб олмайдилар, енгил йўллардан юрадилар, аниқроғи тақлидчиликка бериладилар. Натижада эса элда машҳур ҳофизларимизнинг соясида қолиб кетишади.

«Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танловидан умидим катта. Бу кўрик халқимизга, қўшиқ шайдоларига янги-янги истеъдодларни кашф қилиб бериши, қўшиқчилигимизни янада юксак чўққиларга кўтаришига аминман.

## ЁШЛАР ГУРУНГИ

1996 йил бошиданоқ Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси учун баракали келди. Уюшма маъмурияти ва ижодий жамоасининг жонкуярлиги, ташкилотчилиги боис Адабиётчилар уйи бугун шоир ва адиблар, олим ва мунаққидлар, талабалар ва адабиёт ихлосмандлари билан гавжум. Уюшма фаолияти тобора қизгин тус олаётир. Кейинги икки-уч ойда ўтказилган тадбирлар: адабиёт, ҳозирги адабий жараён, унда кечаётган ҳодисалар, изланишлар, муаммоларга бағишланган давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар, мушоаралар фикримиз далилидир.

Адабий йиғинлар қизгин баҳсу мунозаралар, холис танқидий муносабатлар руҳида ўтмоқда. Адабий ҳаётнинг янада жонланишини таъминлашда бунинг аҳамияти катта.

Яқинда Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган ёшлар мушоираси ва давра суҳбати ҳам ана шундай адабий мажлислардан бири бўлди. Одатдаги мажлислардан фарқли ўлароқ, уни ўтказиш ҳам, бошқариш ҳам тўла ёшларнинг ихтиёрида бўлди. Бу устоз адибларнинг ёшларга кўрсатган иззат ва ғамхўрлигидан далолатдир.

Адабий мажлисни ёш шоир Рустам Мусурмон кириш сўзи билан очди. Ғайрат Абдулҳаким, Фахриддин Абдураҳимов, Салим Ашур, Раҳимжон Раҳмат, Вафо Вайзулло, Озода Бекмуродова, Мухтасар Тожимаматова, Сирожиддин Рауф, Гулноз Мўминова, Зарбуви Алқарова, Ойгул Убайдуллаева, Сафар Оллоёр, Абдувоҳид Ҳайит каби ёш шоирлар янги шеърларидан ўқидилар, бугунги шеърият, адабий жараён тўғрисида гурунглашдилар.

Мушоарада иштирок этган Муҳаммад Юсуф, Жамол Сирожиддин, Чоршъам каби истеъдодли шоирлар ҳам ушбу адабий гурунг ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини, таклиф ва истакларини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов ёшларга ижодкор шахси, ижод масъулияти, шеърият сиру асрори ҳақида ҳамда миллий ғурур ва ифтихор тўғрисида сўзлади, янги битган шеърларидан бирини ўқиб берди.

Мушоара ва давра суҳбати самимий руҳда ўтди. Бу самимийлик ёшларнинг кўнглини шод этиб, уларни янада қизгин ижодий меҳнатга даъват этди.

## СКРИПКАЧИЛАР КОНЦЕРТИ

Пойтахтимизнинг «Баҳор» концерт залида скрипка мусиқа кечаси бўлди. Кечада Ю. Конюс, Ф. Мендельсон, В. Моцарт, К. Сен-Санс, М. Равел, П. Сарасате асарларини М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси доценти Б. Қурбонов ўқувчилари, халқаро кўрик-танлов лауреати Е. Угай, республика кўрик-танлови лауреатлари Т. Терешина, Э. Салимгараев, В. Успенский номидаги мусиқа билим юртининг 5-синф ўқувчиси А. Раимжонова, Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров раҳбарлагидаги Ўзбекистон миллий симфоник оркестри (дирижер В. Неймер) ижро этдилар.

**Г. ҚУРБОНОВА**

# АСКАР САФДА КУЙЛАГАНДА

Бугунги кунда республикамизда оммавий қўшиқларга, кўпчилик бўлиб айтиладиган ашулаларга эҳтиёж ортиб бораётгани сир эмас. Бинобарин, Президентимиз фармони билан ўтаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг асосий мақсадларидан бири ҳам шу. Албатта, катта давраларда, ўзаро гурунгларда жўр бўлиб қўшиқ айтишнинг гашти ўзгача бўлади. Айниқса, Ватанга садоқат йўлида йигитлик бурчини ўтаётган аскарларимиз сафда қўшиқ куйлаб ўтишса, бу қўшиқда дилларга она Ватан меҳрини жо этиб, муқаддас тупроққа сажда қилиш туйғусини солсалар қандай ажойиб. Лекин, минг афсуски, ҳозирча бундай қўшиқларимиз кам. Уларнинг кўпайишига эса шубҳа йўқ! Яқинда пойтахтимизнинг Санъат саройида «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар танлови доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон Қуролли кучлари ансамбллари беллашуви шундан гувоҳлик берди. Унда Сирдарё вилоятидаги Н-ҳарбий бўлинма ансамбли ижросидаги «Ўзбекистон аскарлари» қўшиғи биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Анвар Обиджон шеъри билан айтиладиган бу қўшиққа бастакор Анор Назаров мусиқа ёзган. Биз ансамблнинг бадиий раҳбари Асадулла Холиқов билан суҳбатда бўлдик.

Аввало, А. Холиқовнинг ўзи ҳақида икки оғиз сўз: санъатни, хусусан, қўшиқ санъатини ҳаёти мазмуни деб биладиган бу камтаргина оддий ўзбек йигити асли андижонлик. Асадулла дастлаб Тўхтасин Жалилов номидаги мусиқа билим юртида, кейин Тошкент давлат Санъат институтида ўқиди.

Кўриб турганингиздек, Асадулланинг таржимаи ҳолида ҳеч қандай фавқулодда воқеалар содир бўлган эмас. Фавқулоддалик фақат бир нарсада — унинг Андижондан Сирдарёга келиб қолишида кўринади. Шубҳасиз, биринчи бўлиб, биз ҳам бунинг сабаби билан қизиқдик:

**— Билим юртини тугатганимда Сирдарё вилоят театрига кадрлар ниҳоятда зарурлиги ҳақида эшитиб қолдим. «Қани, бир бахтимни синаб кўрай-чи», — дедиму шу театрга келдим. Кейин тўғри иш қилганим маълум бўлди. Шу ерда ишлаб туриб, Тошкент Санъат институтининг кино ва драма актёрлиги факултетини тугатдим. 1987 йили Сирдарё театри қошида «Манзур» ансамблини ташкил этдим.**

Ўз номи билан сирдарёликларга манзур бўлган бу ансамбл республикамиз ва Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон бўйлаб ўтказган гастролларида ҳам кўпчиликнинг муҳаббатини қозонди. 1992 йилга келиб ансамбл вилоят маданият бошқармаси қошида фаолиятини давом эттирди. Ўша йили пойтахтимизда биринчи бор ўтган Мустақиллик байрами тантаналарида қатнашди. Ўшанда Тўра Сулаймон шеъри билан «Ўзбекистон» қўшиғини ижро этдилар. Кейин Мустақилликнинг уч йиллик тантаналарида қатнашиш насиб этди. Ўтган давр мобайнида ансамбл репертуари бойиди, миллий, халқона қўшиқлар кўпайди.

— Ансамблингизнинг ишлари яхши кетаётган экан. Нима учун бирданига Қуролли кучлар ансамблига айланиб кетди?

**— Тўғри айтдингиз, ансамблимизнинг фаолияти кўпчиликка манзур бўлаётганди. Лекин «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ танловининг эълон қилиниши менга тинчлик бермай қўйди. Чунки унда мени анчадан буён ўйлантириб турган жамоа бўлиб айтиладиган қўшиқлар ҳақида ҳам гап борарди.**

**Ҳозирги кунда ҳарбий қисмларимизнинг сафда юриб куйлайдиган ўз қўшиқлари кам. Шунинг учун мен ўз олдимга яхши бир солдатлар қўшиғини яратишни мақсад қилиб қўйдим. Ниятимни композитор Анор Назаров билан ўртоқлашдим. Шундай қилиб, биргаликда иш бошладик. Қўшиқ тайёр бўлгач, дастлаб уни Сирдарё вилоятидаги харбий бўлинмага бориб ўзим айтиб бердим. Аскарларга ёқиб қолди. Шундан кейин қўшиққа ихлоси баланд йигитларни танлаб олиб, тайёрланишга киришдик. Аввал вилоят бўйича ўтказилган кўрикда қатнашдик.**



Ҳа, вилоят кўригида уларнинг чиқишлари жуда яхши кутиб олинди. Ҳаммаси яхши бўлдию, лекин якунида, улар иккинчи ўрин билан кифояланишди. Бундан бироз руҳлари тушган аскарларга Асадулла далда берди ва Ўзбекистон Қуролли кучлари ансамбллари кўригида қатнашишга ундади. Натижадан эса хабарингиз бор.

— Сизнингча бу қўшиқ муваффақиятининг асосий сабаби нимада? — деб сўрадик А. Холиқовдан.

**— Асосий сабаби, қўшиқни алоҳида махсус тайёргарликка эга ансамбл эмас, балки ҳарбий хизматдаги аскарлар ижро этдилар. Чунки улар худди сафдагидек табиий, эркин куйладилар. Қолаверса, қўшиқ театрлаштирилган шаклда тақдим этилди. Бу ҳам табиийликни таъминлаган. Шунингдек, шоир Анвар Обиджон шеъри ватанга муҳаббат, садоқат, ифтихор туйғулари билан йўғрилгани учун ҳам қўшиқ кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Кези келганда бизга яқиндан ёрдам берган зобитлар Алижон Жумабоев, Ҳамза Қодиров хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.**

Шу ўринда Асадулла Холиқовнинг сабр-тоқатига, ўз ишига садоқатига тан бериш керак. Ахир, куни билан ватан олдидаги бурчини бажариб, бироз ҳордиққа қайтган йигитлар билан шуғулланиш, уларни шу даражага етказиш осон эмас. Орада ўз устида ҳам шуғулланиши лозим. Репертуарини бойитиш, яхши қўшиқлар устида изланиш учун вақт ажратиши керак. А. Холиқов кўпроқ шоир Тўра Сулаймон билан ҳамкорлик қилади. «Тўра аканинг умрлари узоқ бўлиб, бизга яхши-яхши шеърлар ёзиб бераверсинлар», — дейди Асадулла.

Яна асосийси, Асадулла Холиқов, мана уч йилдирки, Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги Гулистон шаҳар санъат мактабида директорлик қилмоқда. Бу мактабда санъатнинг барча соҳалари бўйича синфлар мавжуд. Ҳозирги кунда бу ерда 500 га яқин иқтидорли болалар таълим олмоқдалар.

Мактабдаги ишлар, ансамбл, ўз устида тинимсиз изланиш — буларнинг ҳеч бири Асадулла Холиқовни чарчатмайди. Билъакс уни яратишга ундайди, ҳар бир имкониятдан фойдаланишга даъват этади. А. Холиқов ва унинг ансамбли муваффақиятининг сири ҳам мана шу тиним билмаслик, бир жойда депсиниб қолмасликда!

**Гулчеҳра УМАРОВА**

